

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧОРИЕВ ФАХРИДДИН АБДУҒОППОРОВИЧ

ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВ ТАФАККУР ДИАГНОСТИКАСИ

19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология.
Шахс психологияси

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2021

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Psychological sciences**

Чориев Фахриддин Абдуғоппорович
Талабаларда креатив тафаккур диагностикаси.....3

Чориев Фахриддин Абдуғоппорович
Диагностика креативного мышления у студентов25

Choriyev Faxriddin Abdugapparovich
Diagnosis of creative thinking in students.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 49

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧОРИЕВ ФАХРИДДИН АБДУҒОППОРОВИЧ

ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВ ТАФАККУР ДИАГНОСТИКАСИ

19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология.
Шахс психологияси

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/P108. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ndri.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гозиев Эргаш Гозиевич

психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кадиров Камолидин Батирович

психология фанлари доктори, профессор

Турсунов Лутфулла Сайфуллаевич

психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. ЎЗМУ, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 4-қават, 409-хона. Тел.: (+99871) 246-52-74/факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Бош ўқув биноси, "В" қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «4» декабрь кuni тарқатилди.
(2021 йил «4» декабрь даги 6 рақамли реестр баённомаси)



Д.Г.Мухамедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси психология фанлари доктори, профессор

И.И.Рахимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психология фанлари берувчи фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.С.Сафаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда креатив тафаккурни ўрганиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Талабаларда креатив тафаккурнинг ижодий жараёнини ўрганиш учун, аввало, диагностика қилишнинг динамик иерархияси босқичма-босқич амалга оширилади. Креатив тафаккур диагностикаси ҳозирги даврда талабаларнинг ижодиётида ҳамда ҳар бир фан соҳасида кузатилади. Тафаккур ва нутқ жараёнлари диагностикаси психология фанида кам ўрганилган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. XX асрнинг ўрталарига келиб электрон ҳисоблаш машиналарининг яратилиши натижасида, биринчи марта “сунъий интеллект” ғояси юзага келди ва ахборот технологияларининг диагностикаси туфайли, креатив тафаккур тадқиқотлари янги йўналишга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Яъни инсон ахборотларни қайта ишлаш механизми сифатида қарала бошланди. Бу эса креатив тафаккурнинг жаҳон психологиясида асосий омил эканлигидан далолат беради.

Дунёда шахснинг креатив тафаккур диагностикаси масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, инсон ва машина “тафаккури”даги фарқларни кўрсатади. Шунинг учун электрон машиналар фақат модель ва белгилар асосида “тафаккур” қилса, шахснинг креатив муаммосида эса ақл кераклигини уқтиради. Инсонда креатив тафаккур қобилият билан уйғунликда амалга ошади. Илмий фаолият олиб борган, ихтирочилик намунасини намоён этган ёки ижодий фаолият олиб борган шахс креативликнинг субъекти сифатида баҳоланади. Шунингдек, шахснинг ақлий қобилияти ва креатив тафаккури юқори бўлса, у шунга мос равишда самарали ижод қила бошлайди. Демак, замонавий психология шахснинг креатив тафаккурини диагностика қилиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларнинг ақлий салоҳиятини ривожлантириш учун кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга”¹ доир вазифалари асосида ёшларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини юксалтириш, касбий фаолият учун зарур билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилди. Бу жараён, ўз навбатида, ёшларни муаммолар устида фаолият юритишда мустақил ва ижодий ёндашувини таъминловчи тафаккурни ривожлантиришнинг психологик механизмларини такомиллаштириш ва уларнинг креатив тафаккур диагностикасини тадқиқ этишда долзарб масала эканлигини тасдиқлайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”²ги Қарори ҳамда ушбу фаолият тизимига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Талабаларда креатив тафаккурни диагностика қилиш, ақлий камолотининг муҳим қирраси ва билиш фаолиятини шартловчи психологик омил сифатида кўп йиллар давомида тадқиқ этилмоқда. Шу боис, жаҳон психологиясида креатив тафаккур шахс руҳиятининг ўзига хос бўлган ақлий фаолиятининг муҳим жабҳаси эканлигига доир кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Хорижлик психолог тадқиқотчилар томонидан тафаккурнинг методологик масалалари Я.А.Пономарев (1976); тафаккур ва унинг турлари, ижод ва ижодкорлик фаолияти психодиагностикаси F.N.Dunbar (1978), (E.P.Torrance (1988), тафаккурнинг когнитив омиллар билан боғлиқлиги Л.С.Виготский (1982), А.М.Матюшкин (1982), Т.Г.Кудрина (1987), С.W.Taylor (1988); ижодий тафаккур, унинг хусусиятлари ва ривожлантириш усуллари О.К.Тихомиров (2002), С.Л.Рубинштейн (2000), Л.Л.Гурова (2005), Р.А.Bachelor (1989), Л.М.Веккер (1998), М.С.Егорова (2000), Н.В.Калачева (2004), С.Н.Орлова (2001); тафаккур, интеллект ва интеллектуал қобилиятлар муносабатлари (J.P.Guilford (1987), Д.В.Ушаков (1999), М.А.Холодная (2002); М.К.Акимова, В.Т.Козлова (2006), Ж.А.Балакшина, Т.В.Прохоренко (2002), Е.Е.Туник (2000), Т.В.Галкина (1991), В.Н.Дружинин (2001), М.Місhаlкo (2006), Д.Шакирова, И.Ф.Сибгатуллина, Дж.Сулейманов (2005); турли ёш босқичларида тафаккур турларининг намоён бўлиши ва диагностикаси Л.Ф.Обухова, С.М.Чурбанова (1995), С.Н.Орлова (1996), И.Ф.Сибгатуллина (2002), Н.И.Чернецкая (2002), С.А.Водяха (2000), В.В.Гагай (2004), И.А.Медведева (2001), Н.С.Лейтес (2000); тафаккурнинг таълим олувчи билан таълим берувчи муносабатларида намоён бўлиш хусусиятлари Т.В.Хромов (1997); ўқув жараёнини ташкилий жиҳатларини билиш фаолиятига таъсири А.Ю.Акмалов (1995), М.В.Гулакова (2000), О.А.Беляева (1998),

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

П.Я.Гальперин, В.Л.Данилова (1998), Ю.Б.Гатанов (2000), И.М.Киштимова (2000), Дж.И.Ниренберг (1996), Д.Халперн (2000), С.Н.Семенов (2005); тафаккурнинг диагностикаси қонуниятлари В.П.Зинченко (2001); талабалар тафаккури ва интеллектининг диагностик хусусиятлари В.В.Капцов (2002); инсон тафаккурининг психологик механизмлари С.В.Маланов (2004), Е.И.Бойко (2002); тафаккур ва психик жараёнларнинг ўзаро муносабатлари Т.В.Корнилова (2012); тафаккурнинг фаолият соҳаларига кўра намоён бўлиш хусусиятлари М.М.Кашапова (2000), О.М.Разумникова (2002), А.Саспи, Р.Горский (2006), Р.Пилкингтонлар (2001) томонидан ўрганилган. Шундай бўлса-да, талабалар тафаккурини психологик тадқиқот предмети сифатида ўрганиш, унинг психологик хусусиятлари ва механизмлари масаласи доимий равишда изланишлар олиб боришга зарурат туғдиради.

Мамлакатимиз олимларидан Э.Ғ.Ғозиев (1990, 2002), В.М.Каримова (1998), Р.И.Суннатова (1998), Ғ.Б.Шоумаров (1979), Б.Р.Қодиров (1999), Н.С.Сафаев (2005), З.Т.Нишанова Э.З.Усмонова (2000, 2005), К.Қ.Мамедовлар (2001) томонидан ҳам креатив тафаккур, мустақил фикрлаш хусусиятлари, таълим жараёнида тафаккурни ривожлантириш масалаларига доир изланишлар олиб борилган, лекин талабаларда креатив тафаккурнинг диагностикаси ва психологик шаклланиш муаммоси юзасидан алоҳида изланишлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТД-4-162 “Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари шахсининг ижтимоий-психологик портретини баҳолаш тизимини шакллантириш” ҳамда №ПЗ-20170913120 “Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий психологик механизмлари” илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда креатив тафаккур диагностикасини амалга ошириш ва услубий жиҳатларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабалар креатив тафаккурининг даражасини диагностика қилиш методикаларини тизимлаштириш;

талаблар креатив тафаккурини диагностикасида тафаккур типлари ва услубларининг намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш;

талабалар креатив тафаккурини диагностикасига мўлжалланган топшириқ ва машқлар мажмуини шакллантириш;

талабалар креатив тафаккурининг диагностик хусусиятларини ёритиш;

талабалар креатив тафаккурининг диагностикасига таъсир кўрсатувчи ўқув машғулотларининг ташкилий-услубий жиҳатлари таъсирини аниқлаш;

таълим жараёнида талабалар креатив тафаккури диагностикасининг психологик механизмлари тузилмасини шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон миллий университети,

Қарши давлат университети ва Жиззах давлат педагогика институтининг 322 нафар талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини талабаларда креатив тафаккур даражасини диагностика қилиш ва тадқиқ этиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш ва суҳбат усуллари ҳамда Н.Вишнякованинг “Креативлик” тести, А.А.Алексеев ва Л.А.Громоваларнинг “Тафаккур типлари ва креативлик даражасини аниқлаш”, шунингдек, “Тафаккур услублари” сўровномалари, Е.Е.Туникнинг “Ижодий тафаккур” тести ва П.Торренснинг “Ижодий тафаккур” тести, математик-статистика методлари, Стъудентнинг t-мезони ҳамда Ч.Пирсоннинг r-корреляция коэффициенти усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич курс талабаларида мантикий тафаккурни шакллантириш учун илк бор креатив тафаккур диагностикасининг ривожланганлик даражаси аниқланган ҳолда оператив хотирани интенсивлигини оширишга имкон берувчи мослашувчанлик, аниқлик ва тезкорлик хусусиятлари талабалар ўқув мотивациясида етакчи психологик омил эканлиги асосланган;

талабалар ўқув фаолиятида ихтирочилик қобилиятини ривожлантириш учун креатив тафаккурнинг услубий компонентларини ўқув-машғулот мазмунини тўлақонли ўзлаштиришга ёрдам берувчи реалистик, символли, белгили ва образли типлар орқали шакллантириш мумкинлиги далилланган;

талабаларда ўқув машғулотларни самарали ўзлаштириш учун креатив тафаккур фаолиятини ривожлантиришда тафаккур операцияларининг оригиналлик, семантиклик ва қайишқоқлик хусусиятлари асосий психологик типлар эканлиги исботланган;

илк бор талабаларнинг соҳа йўналишларидан келиб чиқиб ақлий фикрлашни ривожлантиришга имкон берувчи креатив тафаккур моделини рефлексивлик, социаллик, изланувчанлик ва ассоциативлик хусусиятлари асосида шакллантириш исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабалар креатив тафаккури даражасини ишончли диагностика қилишда қўлланиши мумкин бўлган услубий воситалар амалиётда фойдаланиш учун ишлаб чиқилган;

талабалар креатив тафаккурининг диагностикасини шакллантириш учун индивидуал ва гуруҳий тарзда фойдаланиш мумкин бўлган машқлар ва топшириқлар, интуитив ва шаблонсиз фикрлашга ўргатувчи муаммоли машқлар тавсия этилган;

талабаларни таълим жараёнида ва кундалик турмушда креатив фикрлашга ўргатувчи топшириқлар ва уларни баҳолаш мезонлари таклиф қилинган;

талабалар креатив тафаккурининг диагностикасига оид таълим технологияларига асосланган масалалар тўплами таклиф этилган;

талабалар креатив тафаккури диагностикасини кенг қамровли ўрганишга мўлжалланган психодиагностик баҳолаш тизимлаштирилган ва

синовдан ўтказилган ҳамда педагог кадрлар, амалиётчи-психологларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, аввало, тадқиқотда қўлланилган методикалар ва математик-статистик аниқ методлар жаҳон тажрибасида кўп қўлланилганлиги, олинган эмпирик усуллар назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинганлиги, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан, тадқиқотда тақдим этилган маълумотлар аниқ манбаларга таянганлиги, тадқиқот доирасининг кенглиги сифатида турли ҳудудлардаги ҳарбий қисм ва муассасалар танлангани, барча оралиқ натижалар йирик илмий анжуманлар фаолияти доирасида етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилинганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабалар креатив тафаккури диагностикасининг психологик механизмларини тавсифловчи жиҳатлар, таълим жараёнида тафаккур диагностикасига таъсир кўрсатувчи омилларнинг аниқланганлиги, талабалар креатив тафаккуридаги етакчи типлар ва услубларнинг даражалари ёритилганлиги, синалувчилар креатив тафаккури диагностикасида таълим босқичлари, таълим йўналишлари, таълим жараёнида қўлланиладиган усулларининг хусусиятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабалар креатив тафаккури ривожланганлигига доир олинган маълумотлардан таълим жараёнида талабалар ўртасида муаммоли, ҳамкорлик, лойиҳа-тадқиқотчилик фаолиятини ташкил қилишда, таълим олувчилар креатив тафаккурини диагностика қилишда, олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишларида, шунингдек, психология таълим йўналишида умумий психология, психодиагностика, экспериментал психология, педагогик психология ва социал психология курслари бўйича ўтказиладиган назарий ва амалий машғулотларда фойдаланиш билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларнинг креатив тафаккури диагностикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бошланғич курс талабаларида мантиқий тафаккурни шакллантириш учун илк бор креатив тафаккур диагностикасининг ривожланганлик даражаси аниқланган ҳолда оператив хотирани интенсивлигини оширишга имкон берувчи мослашувчанлик, аниқлик ва тезкорлик хусусиятлари етакчи психологик омил эканлиги асосланган, Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 22 августдаги П-М 4-сон буйруғи билан Психология ўқув-илмий марказининг “Шахс психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 22 август П-М-4-сон маълумотномаси). Натижада таълим соҳаси учун тайёрланадиган психологларнинг касбий таянч компетенцияларини шакллантириш ҳамда касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишига эришилган;

талабалар ўқув фаолиятида ихтирочилик қобилиятини ривожлантириш учун креатив тафаккурнинг услубий компонентлари реалистик, символли, белгили ва образли типлар орқали шакллантириш далилланган, Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 22 августдаги П-М 4-сон буйруғи билан Психология ўқув-илмий марказининг “Умумий психология” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 22 августдаги П-М-4-сон маълумотномаси). Натижада, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни рақобатбардош кадрларни тайёрлашда илмий – методик таъминотининг бойитилишига эришилган;

талабаларда ўқув машғулотларни самарали ўзлаштириш учун креатив тафаккур фаолиятини ривожлантиришда оригиналлик, семантиклик ва қайишқоқлик хусусиятлари асосий психологик типлар эканлиги исботланган самарали услублари Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 22 августдаги 4-сон буйруғи билан Психология ўқув-илмий марказининг “Касб психодиагностикаси ва психокоррекцияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 22 августдаги П-М-4-сон маълумотномаси). Натижада талаба ёшларни етук мутахассис сифатида шаклланиши ва кадрлар захирасини шакллантиришга хизмат қилган;

илк бор талабаларнинг соҳа йўналишларидан келиб чиқиб ақлий фикрлашни ривожлантиришга имкон берувчи креатив тафаккур моделини рефлексивлик, социаллик, изланувчанлик ва ассоциативлик хусусиятлари асосида шакллантириш исботланган психологик мезонлари Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 22 августдаги 4-сон буйруғи билан Психология ўқув-илмий марказининг “Касб психодиагностикаси ва психокоррекцияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 22 августдаги П-М-4-сон маълумотномаси). Натижада талаба ёшлар фаоллигини ривожлантириш бўйича профилактика ишлари кучайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, булардан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, конференция ва семинар материаллари тўпламида 7 та, хорижий халқаро илмий анжуманлар тўпламида 2 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, тўққиз параграф хулоса, таклиф тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 126 саҳифадан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазибалари, объекти аниқлаштирилган, илмий янгилиги баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Кириш: тадқиқот босқичлари ва татбиқ қилинадиган методикаларнинг психологик тавсифини танланган методикаларда кўришимиз мумкин.

Диссертациянинг биринчи боби “Талабаларда креатив тафаккур шаклланишининг назарий талқини” деб номланиб, илмий ишнинг биринчи боби назарий манбалар билан бирга ғарб олимларининг асарларида креатив тафаккурга кенг маънодаги қарашлари жой олган. Айниқса, креатив тафаккур ҳар бир талабада муҳим белги ҳисобланган усул бўлиб, уларнинг ўқув фаолияти билан ҳамоҳанг ривожланиб боришига эътибор қаратилган. Шунингдек ўрганилиётган масала юзасидан илмий адабиётлар таҳлилида шу нарса намоён бўлдики, жамият ривожланиб борган сари ундаги таълим олиш жараёнида ҳам креатив тафаккур шаклланиб боришини ўзида акс эттирди. Шуни таъкидлаш жоизки, олимлар томонидан креативлик тафаккурининг афзаллик томонлари каби масалалар бўйича етарлича илмий қарашлар ишлаб чиқилган ва амалиётда қўллаш учун таклиф этилган. Таъкидлаб ўтилган илмий маълумотлар диссертациямизда тадқиқ этилаётган муаммо нуктаи назаридан таҳлил этилганлиги диққатга сазовордир.

Мамлакатимизда тафаккур муаммосига дахлдор бир қатор изланишлар мавжудки, уларни умумий тавсифини келтириб ўтаемиз. К.Мамедов томонидан макатабгача ёшдаги болалар ва ўқувчиларнинг ақлий диагностик хусусиятлари. Ш.Р.Баротов психологик хизматни ташкил этиш хусусиятлари, Н.С.Сафоев эса ёшларнинг ўзининг ўзи англашда ақлий ҳаракатларнинг аҳамияти, А.Жабборов эса ўзбек ўқитувчининг этник хусусиятларида улар тафаккурининг ўрни, Э.З.Усмонова интеллектуал низолар шароитида тафаккурни эмоционал-мотивацион тартибга солиш хусусиятлари ва мустақил тафаккурни ривожлантириш йўллари масалалари психологик позициядан ўрганилган. Шундай бўлса-да, талабалар тафаккури диагностикасининг психологик механизмлари муаммосини ўрганиш учун янги тадқиқотларга эҳтиёж мавжуд.

Шу тарзда, аста-секин асрдан асрга ўтган сайин одамларнинг ижодий лаёқатлари такомиллашиб борди, борлиқ ҳақидаги билимлари кенгайиб ва чуқурлашиб, инсонни ҳайвонот дунёси узра юксак поғоналарга олиб чиқди. Вақт ўтиши билан инсон табиатда ўхшаши бўлмаган кўплаб жисмларни яратди ва уларни такомиллаштирди. Бу жисмлар инсонга моддий ва маънавий еҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилиш билан бирга, инсон қобилиятларини ривожлантириш учун манба функциясини ўтадилар.

Диссертациянинг иккинчи боби “Креатив тафаккур диагностикаси тавсифи ва талқини” деб номланиб, креатив тафаккурни мазмуни, структураси, тафаккур турларини психологик хусусиятларини ва тадқиқотни ташкил этишнинг назарий – методологик асослари, методик аппарати кенг муҳокама қилинади. Шубу

бобда талаба психик жараёнлар структурасини билиши ва унинг индивидуал психологик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ўз аксини топди. Шунингдек, диссертациянинг иккинчи бобида тадқиқотни ташкил этишнинг назарий методологик жиҳатлари атрофлича асослаб берилган ва тадқиқот хусусиятларига мос методик аппарат танланганлиги илмий жиҳатдан изоҳланган.

“Ижодкорлик” тести инсоннинг ижодий мойиллигини аниқлашга ва “Мен ҳақиқийман” тасвирининг ижодий компонентини ва “Мен идеалман” деган фикрни акс эттирган психологик ижодий профилни яратишга имкон беради. “Мен ҳақиқийман” ва “Мен идеалман” ижодкорликнинг икки қиёфасини таққослаш, ижодий захира ва шахснинг ижодий салоҳиятини аниқлаш имконини беради.


Сизга тест саволларига жавоб бериб, шахсий фазилятларингизни мустақил равишда баҳолаш таклиф қилиняпти. Саволларни диққат билан ўқинг. Агар саволга ижобий жавоб берилса, “+” белгисини, салбий бўлса, “-” белгисини “Мен ҳақиқийман” ва “Мен идеалман” устунига қўйинг. Узоқ вақт давомида жавоб ҳақида ўйламанг, чунки биринчи жавоб импульсив ва одатда тўғри бўлади. Самимий бўлинг!

“Мен ҳақиқийман” ва “Мен идеалман” ижодкорликнинг психологик профилларининг қурилиши ҳисобланади.

Ижодкорликнинг психологик профилини яратиш учун “Мен ҳақиқийман” ва “Мен идеалман” деб иккита доирани чизиб, ҳар бирини саккиз қисмга бўлинг. Олинган сегментларни марказдан ўнта тенг қисмга ажратининг. Улар ҳар бир ижодий кўрсаткичнинг ўқи бўйича нуқта билан белгиланади ва танланган ижодий қобилиятнинг саккиз даражасига гувоҳлик беришади, бу фикрларни боғлашда ижодкорликнинг психологик профилини ташкил этади.

Доиранинг юқори қисмидаги кўрсаткичлар (1,2,8) онгли ва пастки (4,5,6) – ижодий шахснинг концентрацион жараёнларига мос келади. Кўрсаткичлар 3 ва 7 чегара чизиги билан боғлиқ бўлиб, улар интеллект жараёнларига боғлиқ.


Инсоннинг захиралари ва ижодий салоҳиятини аниқлаш учун “Мен идеалман” ижодкорлик психологик профили қизил кескинувчи контур чизиқлари ва кўк “Мен ҳақиқийман”нинг чизиқларини англашиб бу айланаларни жойлаштириш керак.




“Мен ҳақиқийман”

“Мен идеалман”

"МЕН ҲАҚИҚИЙМАН"



"МЕН ИДЕАЛМАН"



Ижодкорлик ва ижодий мойиллик ҳақидаги ҳақиқий ва идеал тасаввур ўз-ўзини баҳолаш ва рефлексия регулятори функциясини бажаради. Шунга қарамасдан, барча инсонлар ўзларининг ижодий қобилиятлари ҳақида турли ғоявий тасаввурларга эга бўлишлари ва улар кўпинча жуда баланд ёки жуда

паст даражада эканлигини унутмаслигимиз керак. Бу муаммони психологик маслаҳатлашиш жараёнида психолог билан психокоррекция қилиш учун муҳокама қилиш аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларига кўра, талабаларда “прагматик” ва “аналитик” услублар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича изоҳлаш мумкин: талабалар бевосита ўзининг шахсий тажрибасига таянган ҳолда қарорлар қабул қилишлари, қулай ва объектив бўлган материаллар ҳамда ахборотлардан фойдаланишга, қандай қилиб тез натижа олиш мумкинлигига интилишлари, хулқ-атворларида бетартиблик ҳамда юзакичилик ҳолатлари кузатилиши, мавжуд ҳолатларни, талаб ва таклифларни тез илғашлари учун устуворлик қилиши, ривожланиши баробарида муаммоларга атрофлича ва тизимли қарашлари, муаммога мантиқий ва методик жиҳатдан, унинг ечимини деталларигача эътибор қаратишга мойилликнинг ортиши, қарор қабул қилишдан олдин муаммо юзасидан объектив далиллар, кўпроқ ахборотлар тўплашга интилиши ва батартиб режа тузишга ўқувчи бўлиб бориши ҳар хил ҳодисаларни мантиқан тушунтиришга интилишининг ўсишига олиб келар экан. Ушбу натижадан кўринмоқдаки, талабалар тафаккур услубларида кескин ёки фақатгина пассив муносабатларни акс эттирувчи эмас, балки уларни фаолликка ундовчи ва ижобий натижаларга йўналтирилган тафаккур услубига ҳам эгадирлар.

Илмий тадқиқотда “Креатив тафаккурнинг экспериментал тадқиқ этилиши” деб номланган учинчи боби креатив тафаккурни ўқиш жараёнида талаба шахси ва фаолиятини самарадорлигига, ўз ижтимоий роллари ва вазифаларни бажаришга сезиларли таъсир кўрсата оладиган психологик жиҳатларни аниқлаш нуқтаи назаридан ўрганилганлиги ҳамда шу жиҳатдан ҳам талаба фаолиятига ўқув фаолият самарадорлигини оширувчи омил нуқтаи назаридан қараб келиниши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шунинг учун, биз ҳам ўз илмий тадқиқотимизни ташкил этишда ушбу муҳим жиҳатга эътиборимизни қаратган ҳолда тадқиқот методикаларини танладик. Шунингдек, талабаларда ўқув машғулотларини самарали ўзлаштиришлари учун оригиналлик, семантиклик ва қайишқоқлик хусусиятлари ёрдамида ижодкорлик фаолиятини ривожлантирувчи асосий психологик омилларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Шу боис, талабаларнинг ўқув фаолиятидаги тафаккурининг ўзига хослигини аниқлаш мақсадида улардаги етакчи тафаккур типлари ва услубларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бунинг учун биз психологик тадқиқотларда фойдаланилган ҳамда профессор Э.Ғ.Ғозиев раҳбарлигида миллий муҳитга модификациялаштирилган методикалардан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Биз дастлабки аниқловчи босқич натижаларига кўра, талабаларнинг тафаккур типларини аниқлаш учун Дж.Брунернинг “Тафаккур типлари ва креативлик даражасини аниқлаш” сўровномаси ва А.А.Алексеев, Л.А.Громоваларнинг “Тафаккур услублари” методикаларидан фойдаландик.

Тадқиқот олдида қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда талабалар тафаккурини ривожлантириш механизмларини ўрганиш жараёнида дастлабки

эмпирик натижалар таҳлили асосида талабаларда устувор тафаккур турларини ўрганиш ва аниқлашга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлди. Бунинг учун, биринчидан, тафаккурни ўрганиш имконини берувчи психодиагностик методикаларни танлаш ва татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотимизда аниқловчи, тажриба-синов учун муаммони ўрганишга мўлжалланган методикалардан фойдаландик. Методикани татбиқ қилиш натижасида қатор эмпирик кўрсаткичларга эга бўлдик. Навбатдаги жадвалда талабалар тафаккур типларининг устувор типини аниқлаш бўйича олинган кўрстаклар келтириб ўтилган.

1-жадвал.

Талабаларнинг тафаккур типлари ва креативлик даражасини аниқлаш натижалари (n=322)

Тафаккур типлари	М	у
Предметли тафаккур	6,99	1,47
Символли тафаккур	5,67	2,24
Белгили тафаккур	9,23	1,72
Образли тафаккур	7,70	1,60
Креативлик	6,90	1,35

Талабалар тафаккур типлари ўртасидаги кўрсаткичлар орасидаги ўзига хослик ўрганилди. Бу ҳолатга кўра, талабалар таълим муҳитида турли хил тафаккур типига мос тарзда фикрлашлари, мулоҳаза юритишлари ва муаммолар ечимини топишга ёндашишлари мумкин. Талабаларнинг умумий ўртача натижаларига ва методика шкалаларининг хусусиятларига кўра, етакчи тафаккур типи сифатида “Белгили тафаккур” типи (9,23) устуворлиги кузатилди. Шунингдек, уларда “Образли тафаккур” типи (7,70), “Предметли тафаккур” типи (6,99) ва “Креативлик” (6,90) ва “Символли тафаккур” типлари (5,67) ўзаро ҳамоҳангликда намоён бўлиши мумкинлигидан далолат бермоқда.

Ушбу кўрсаткичлар талабалар таълим жараёнида ёки ҳаётий масалалар устида бир хил тафаккур типидан кўра, хилма-хил тафаккур типларига таянган ҳолда муаммолар ва вазиятларнинг ечимини топишга ёндашишларини кўрсатмоқда. Бу ҳолат улар тафаккурида қайси тафаккур типи устуворлик қилмоқда, деган саволга жавоб топиш имкониятини тўлиқ бермаслиги мумкин. Шунингдек, олинган ҳолда, талабалар тафаккур типларини намоён бўлишига кўра, улар ўртасидаги ўзаро корреляцион муносабатларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинди ва кўрсаткичлараро корреляцион таҳлил амалга оширилди. Навбатдаги жадвалда талабалар тафаккур типларининг ўзаро корреляцион боғлиқликлари аниқланди.

Талабалар тафаккур типлари ва креативлик ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (n=322)

	Предметли тафаккур	Символли тафаккур	Белгили тафаккур	Образли тафаккур	Креативлик
Предметли тафаккур	1	0,163*	-0,030	-0,024	0,100*
Символли тафаккур		1	0,216**	-0,085	0,023
Белгили тафаккур			1	-0,030	-0,197*
Образли тафаккур				1	-0,057
Креативлик					1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

Талабаларнинг тафаккур типлари ва креативлик даражасини аниқлаш кўрсаткичларига кўра, олинган натижалари қуйидаги муносабатларни ўзида акс эттирди. Бунда талабаларда “предметли тафаккур” устуворлигининг ривожланиши “символли тафаккур”нинг ўсишига сабаб бўлар экан ($r=0,163$, $p \leq 0,05$). Натижалар шундан далолат бермоқдаки, талабаларда масалаларни ҳал этиш предметли ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши, ақлий операцияларни изчилликда бажаришлари, янгилик яратишда эса ғояларга таянишлари уларга ёрдам беришини аниқлади. Талабаларда “предметли тафаккур”нинг яхши ривожланганлиги “креативлик”нинг ҳам ўсишини таъминлар экан ($r=0,200$, $p \leq 0,05$). Бизнинг тадқиқотимизда талабалар тафаккурида янги фикр, мазмун ҳосил қилиш асносида ахборотлар билан ишлаши креативлик, ижодкорлик қобилиятининг ўсишига, янги принципаал ғояларнинг яратилишига сабаб бўлиши аниқланди. Субъектлардаги муаммоларни англаш билимлар танқислиги ёки зиддиятли ҳолатларда, маълум муаммо доирасида ҳаракатланишида креативлик хусусияти ўзида юқори сезгирликни намоён қилар экан.

Шунингдек, талабаларда “символли тафаккур”нинг юқори даражаси “белгили тафаккур”нинг ўсишига сабаб бўлар экан ($r=0,216$, $p \leq 0,01$). Ушбу ўринда агар талабаларнинг ахборотларни ўзлаштиришларида арифметик изланиш ва операцияларни бажариш қонуниятини яхши ўзлаштирган бўлса, фикрлаш доираси структурали ва аниқ символлар ўртасидаги боғлиқликни изоҳлаш имкониятига эга бўлади.

Тадқиқотда талабалар “белгили” тафаккур билан “креативлик” ўртасидаги тескари корреляцион муносабатларни акс этган ($r=-0,197$, $p \leq 0,05$). Методиканинг шартига кўра, талабалардаги “белгили тафаккур” типининг устуворлиги, гуманитар йўналишда фикрлайдиган шахснинг ақл-заковатиға нисбатан қайд этилган. Бу ҳолат табиий ёки аниқ фанлар доирасида таълим олаётган талабаларникидан фарқ қилиши мумкин. Чунки, тадқиқот объекти

сифатида танлаб олинган талабаларнинг таълим йўналишлари, уларнинг тафаккур типлари ўртасида тафовут борлигини намоён қилди. Зеро, “Креативлик” билан “предметли тафаккур”нинг миқдорий кўрсаткичлари ўртасидаги тескари корреляцион муносабатларнинг акс этишида, таълим йўналишларининг умумий ҳолатидаги таҳлили, шунингдек, табиий фанлар йўналиши талабалари қийматларининг гуманитар йўналиши талабалариникидан устун келишини акс эттирди.

Шу боис, талабаларнинг эмпирик кўрсаткичларида икки ҳолат “символли тафаккур” бўйича 2-босқич билан 3-босқич талабаларида (4,87 ва 6,24, $t=2,459$, $p\leq 0,05$) тафовут кузатилди. Бу талабаларда структурали ёки символлардан фойдаланган ҳолда фикрлашлари таълим босқичи ёки таълим-тарбия муҳитида қўйиладиган топшириқ ва масалаларнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда намоён бўлиши мумкин.

Шунингдек ўқув жараёнида ўқитилаётган фанларнинг хусусиятлари, яъни таълимнинг дастлабки босқичида “гуманитар фанлар ва табиий фанлар блокадаги” фанлар ўқитилаётганлиги ва кейинги босқичларда эса “умумқасбий фанлар блокадаги” фанларнинг ўқитилиши бунга сабаб бўлиши мумкин.

3-жадвал

Талабалар тафаккур типлари ва креативликнинг таълим босқичларига кўра кўрсаткичлари

Шкалалар	Курслар	М	у	t
Предметли тафаккур	1-курс	6,71	2,37	-1,07
	2-курс	7,26	2,66	
	3-курс	6,95	2,70	0,442
Символли тафаккур	1-курс	5,97	2,52	0,429
	2-курс	4,87	2,21	
	3-курс	6,24	3,31	2,459*
Белгили тафаккур	1-курс	8,95	2,54	1,141
	2-курс	9,69	2,68	
	3-курс	9,12	2,61	0,977
Образли тафаккур	1-курс	7,55	2,95	-2,006*
	2-курс	8,51	2,13	
	3-курс	7,02	2,47	0,977
Креативлик	1-курс	7,87	2,29	-0,715
	2-курс	8,30	2,59	
	3-курс	7,28	2,22	1,215

Изоҳ: * $p\leq 0,05$

Тафаккур типларидаги тафовутлар талабаларнинг таълим йўналиши билан боғлиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Агар 2-ва 3-босқич талабалари тафаккур типлари ўртасидаги фарқлар кузатилгани сингари 1-босқич билан ҳам тафовут бўлиши лозим эди. Аксинча, бу ҳолат кузатилмади. Аммо

талабаларнинг бошқа типларида, яъни “образли тафаккур” бўйича 1- ва 2-босқич талабаларида ҳам ўзгаришлар кузатилди (7,55 ва 8,51; $t=-2,006$). Бу ҳолат эса 1 ва 3-босқичларда кузатилмади. Талабаларнинг ушбу натижалари “символли тафаккур” типи билан муносабатида ҳам кузатилмаган эди.

Шу боис, тафаккур типларига доир изланиш натижалари ҳар бир талаба бошқа талабалардан ўзига хос типга эгаллиги билан ажралиб туришини кўрсатди.

Тадқиқотда талабаларнинг тафаккур типлари билан бир қаторда, уларнинг тафаккур услублари ҳам ўрганилди. Навбатдаги жадвалда талабалар тафаккур услубларининг кўрсаткичлари келтириб ўтилган.

Талабаларнинг тафаккур услублари бўйича умумий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда бир-биридан фарқ қилувчи кўрсаткичлар аниқланмади (4-жадвал).

4-жадвал

Талабалар тафаккур услубларининг кўрсаткичлари (n=322)

Тафаккур услублари	М	у
Синтетик услуб	59,181	14,57
Ғоявий услуб	59,838	11,82
Прагматик услуб	51,449	11,72
Аналитик услуб	48,110	12,17
Реалистик услуб	62,100	11,47

Олинган натижалардан шуни фаҳмлаш мумкинки, талабалар тафаккурининг устувор услуби сифатида бирор-бир услубни кескин ажратиб кўрсатадиган қиймат кузатилмади. Бундан кўринадики, талабалар ўқув жараёнида қўйиладиган масалалар ва вазифалар устида ишлаётган вақтларида турли тафаккур услубларига таянишлари мумкин экан.

Талабаларнинг тафаккур услублари таълим босқичлари бўйича таҳлил қилинганда ҳам уларнинг кўрсаткичларида яққол ва устувор кўринишга эга бўлган услуб эканлиги аниқланмади. Масалан, таълим босқичига кўра, талабаларнинг устувор йўналишидаги етакчи тафаккур услубини ҳеч бир таълим босқичида алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлмади. Бу уларнинг тафаккур услубларининг таълим босқичлари бўйича кўрсаткичлари 40-55 балл оралиғидаги қийматлар билан чекланганлигидан далолат бермоқда.

Зеро, бу талабаларда таълим жараёнининг умумий ҳолатларидаги тафаккур услубларини яққол намоён қилишини характерловчи вазиятлар анча кам учраётганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолат эса таълим мазмунини бойитиш, касбий тайёргарлик жараёнида талабаларнинг ижодий ёндашишлари, ўқув материаллари мазмунини, касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилувчи ўқув материалларни татбиқ қилишга зарурат борлигини аниқлатмоқда. Демак, ўқув машғулотларида қўйиладиган таълим топшириқлари ва мустақил таълим мазмунидаги ўқув вазифаларининг мазмуни талабалар тафаккури услубларини қай даражада ривожланишига хизмат қилувчи омилга айланиши замин яратди.

**Талабалар тафаккур услубларининг таълим босқичларидаги
кўрсаткичлари (n=322)**

Шкалалар	Курслар	M	y	t
Синтетик услуб	1-курс	42,51	16,16	3,936***
	2-курс	53,61	14,47	
	3-курс	51,32	10,64	3,098***
Ғоявий услуб	1-курс	50,65	13,88	0,728
	2-курс	52,24	9,94	
	3-курс	46,18	10,69	2,168*
Прагматик услуб	1-курс	50,38	13,56	-1,186
	2-курс	55,38	10,18	
	3-курс	48,73	10,43	0,753
Аналитик услуб	1-курс	45,38	15,62	-1,342
	2-курс	49,12	11,01	
	3-курс	49,75	8,47	-1,486
Реалистик услуб	1-курс	52,34	12,20	0,609
	2-курс	53,57	10,93	
	3-курс	50,67	11,33	0,796

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, *** $p \leq 0,001$

